



O‘ZBEKISTON TASHQI MADANIY ALOQALARIDA BUXORO VILOYATINING ISHTIROKI

Фазлидин ТУЙЕВ,

Бухоро давлат Педагогика институти.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, Республика, Бухоро, Вилоят, Чет эл, "Бухорча", "Бухоро гузаллари", Камерали, "Мавриги", "Бухоро мавжлари".

Бухоро давлат Филармонияси " 1988 йил 12 августда (Бухарский областной Совет народных депутатов исполнительный комитет Решение) 164/17- сонли фармониға биноан ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги ПФ-1419-сонли фармониға асосан филармония тугатилиб, "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июндаги 272-сонли қарори асосан академик ва халқ бадиий жамоалари ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПҚ-2778-сонли фармон ва қарорларға асосан Академик ва халқ бадиий жамоалари вилоят бўлими бундан кейин Бухоро вилоят Бадний жамоалар ижодий бирлашмаси деб юритилган[1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 27 июндаги "Ўзбекистон давлат филармонияси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида ги ПҚ- 3813 сонли қарорига мувофиқ" Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят бўлинмаси ташкил этилди . Мумтоз ва замонавий мусиқа ҳамда рақс санъатини илғор ютуқлар асосида ривожлантириш; аҳолининг мусиқа ва рақс санъатига бўлган талабини лекторий, концерт ишлари ҳамда мусиқий маърифий ишлар орқали шакллантириш ва қондириш мусиқа ва рақс санъатидаги ютуқларни вилоятда, Республикада ва хорижда тарғиб қилиш;

Мусиқа ва рақс санъати соҳасидаги ижодкорларнинг самарали иш юритиши учун шарт-шароитлар яратиш: бўлим тасарруфидаги жамоалар репертуарини миллий ва хорижий мумтоз асарларининг энг сара намуналари билан тўлдириш ўзбек халқининг асрлар давомида шакланган ва авлоддан-авлодга ноёб мерос сифатида ўтиб келаётган мусиқа, миллий рақс ва эстрада, анъанавий ва классик ижрочилик санъатларини янада бойитиш, ўзбек халқи, айниқса, ёш авлод онгига бу бебаҳо бойликларға чуқур ҳурмат ва



ҳавас туйғуларини сингдириш, уларда миллий маданият, қадриятларга нисбатан эҳтиром хисларини юксалтириш; Ўзбек мумтоз, мақом ҳамда халқ фольклор мусиқа санъатининг энг яхши намуналарини, миллий ва замонавий рақс сингари анъанавий ижро жанрларини ривожлантириш ва уни оммалаштиришни ўз олдига мақсад қилиб, бадий жамоалар фаолиятида истеъдодларнинг юзага чиқиши, ижодий жамоалар ва яккахон ижрочилар репертуарларини доимий равишда янгилаш ҳамда мукаммаллаштириш учун илғор иқтисодий-ижодий замин яратишни мувофиқлаштириш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва хорижий давлатларда турли ижодий сафарлар, гастрол-концертларини ташкил этишдан иборат. Шунингдек, вилоят микёсида турли эътиборли саналарни муносиб нишонлаш, урф-одат ва анъаналарни тарғиб этиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирларда фаол иштирок этиш жамоанинг доимий фаолият мезони хисобланади[2. 11].

Бухоро филармония таркибидаги ансамбллар қуйидагилардан иборат.

1. "Бухорча" ашула ва рақс ансамбли (1980 йил)
2. "Бухоро гузаллари" ашула ва рақс ансамбли (2005 йил)
3. Камерали симфоник оркестр гуруҳи (2005 йил)
4. "Мавриги" фольклор этнографик ансамбли (2007 йил)
5. "Бухоро мавжлари" ашула ва рақс ансамбли (2014 йил)

Бўлинма таркибидаги ансамбллар 1987 йилда Америкада, 1988 йилда Испанияда, 1999-2000 йилда Германияда, 2001 йил Америкада ҳамда Ленинград, Москва, Белоруссия, 2009 йил Оман султонлиги, 2010 йил Малайзия, Тожикистон давлатида, 2011 йил ?атар, Тайланд ва Бельгия, 2012 йил ?атар, 2018 йил Ветнам, Франция, Туркменистон, 2019 йил Германия, Туркия (Гран При), Озарбайжон, Хитой (сертификат, дипломлар), 2020 йил Ҳиндистон "Сурадж Кунд Мела" халқаро ҳунармандлар ярмаркаси (сертификат), Туркия давлати "Халқаро онлайн фольклор рақс фестивалида" (сертификат), Шимолий Америка, Европа давлатлари "World Folk Vision 2020" миллий маданият ва санъат бутунжаҳон онлайн Фестиваль-конкурс (4-ўрин соҳиби), Украина давлатида "Soul" Халқаро онлайн фестивал конкурси (сертификат), 27 та давлат иштирокида Европа, Осиё, Ўрта Осиё ва Америка қўшма штатлари "XXI аср-Халқ рақси" - "Бухоро жилolari" халқаро илмий-амалий анжумани, Канада ва Ҳиндистон ҳамкорлигида "Жаҳон халқ мусикаси" онлайн фестивал (сертификат), Бишкек, Ўзбекистон давлати "Echo Of Autumn 2020" халқаро онлайн танлов (сертификат), АҚШ давлатида "Бухорча ва Мавриги тароналари дунёни бағишлайди" халқаро онлайн конференцияларда ўзбек қўшиқ ва рақс санъатини тарғиб қилган.

2007 йил Тошкент шаҳрининг Ёш томошабинлар залида Швецария элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган Бухоро вилоят "Мавриги" ансамблининг катта концерт дастурида ишеирик қилиб Бухоро санатини намойиш қилган.



2009 йил 29 апрел - 2 май кунлари "Бухорча" ашула ва рақс ансамблининг Оман султонлигига уюштирган ижодий сафарида Оман султонлиги "Бухороча" ашула ва рақсларини миллий, такрорланмас эканлигини кўриб қойил қолишган. 2009 йил 29 июнь - 06 июль кунлари "Мавриги" ансамблининг Тожикистон давлатига гастрол сафарида бўлиб эдилар. 2010 йил 14-28 июль кунлари Малайзия давлати "Сабах" V-Халқаро фестивалида "Мавриги" фольклор ансамблининг иштироки қилган[3.19].

2011 йил 14-18 январ кунлари "Бухорча" ашула ва рақс ансамбли Қатар давлатида Осиё футбол мусобоқалари доирасида ташкил этилган маданий тадбирлардаги чиқишлари билан барчани лол қолдирган.

2011 йил 18-24 сентябр кунлари Бухоро вилоят бўлинма санъаткорлари Тайланд давлатига гастрол сафарида булган чоғда бухороча кўшиқ ва рақслар билан чиқишлар уйиштирган.

2012 йил 22-26 март кунлари Қатар давлати Доха шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё маданияти" халқаро фестивалида "Бухорча" ашула ва рақс ансамбли ўзбек миллий рақисларини намойиш қилиб Марказий Осиё давлатлари халқларини ҳайратга солган эди.

2013 йил 7-феврал куни Республика байналминал маданият маркази ҳамда Тожик миллий маданият маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида "Мавриги" ансамблининг катта концерт дастури ўтказилган.

2018 йил 9-16 апрель кунлари Германия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Бухоро ва Бонн шаҳарлари ҳамкорлигининг 15 йиллиги ҳамда Наврўз байрами муносабати билан "Бухоро мавжлари" ашула ва рақс ансамбли гастрол сафарида бўлганлар.

2018 йил 16-23 апрель кунлари Ханой шаҳри (Вьетнам Социалистик Республикаси)да Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида бўлинманинг "Бухоро мавжлари" ва "Бухоро гўзаллари" ансамбллариининг хизмат сафарларида эдилар.

Вилоят ҳокимлигининг 2018 йил 7 апрелдаги 6/1821-сонли 2018 йил 9-12 апрель кунлари "Шарқ аёли" ва Россия Федерациясининг Рус гуманитар ёрдам ташкилотлари ҳамкорлигида рус тили ва адабиёти фани бўйича ўтказиладиган форум иштирокчиларига бағишлаб "Бухорча" ва "Бухоро гўзаллари" ансамбли томонидан махсус дастур намойиш этилди.

Германиянинг Бонн шаҳридаги Халқаро ишлар ва глобал барқарорлик бўлими бошлиғи Стефан Вагнернинг 2018 йил 29 мартдаги таклифи ҳамда вилоят маданият бошқармасининг 2018 йил 29 мартадаги 41-хс сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида "Бухоро мавжлари" ашула ва рақс ансамбли раққосалари Санақулова Бинафша Бахтиёржоновна ва Адизова Гўзал Завқиддин қизи Германия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Бухоро ва Бонн шаҳарлари ҳамкорлигининг 15 йиллиги ҳамда Наврўз байрами муносабати билан 2018 йил 9-16 апрель



кунлари Бухоро шаҳар ҳокими бошчилигидаги делегация билан бирга Бонн шаҳрига хизмат сафарида бўлишди[4. 28].

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 4 апрелдаги 01-11-13-2256-сонли хати ҳамда вилоят маданият бошқармасининг 2018 йил 9 апрелдаги 45-к сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2018 йил 16-23 апрель кунлари Ханой шаҳри (Вьетнам Социалистик Республикаси)да Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан жамоанинг "Бухоро мавжлари" ва "Бухоро гўзаллари" ансамбллари санъаткорлари Ханой шаҳрида хизмат сафарида бўлиб қайтишди.

Вилоят ҳокимининг 2018 йил 19 майдаги 1/274067-сон чора-тадбирлар дастури ҳамда вилоят маданият бошқармасининг 2018 йил 21 майдаги 50-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, шунингдек, халқимизнинг бой моддий ва маънавий мероси, урф-одат ва анъаналари, миллий ҳунармандчилиги, тасвирий ва амалий санъатини асраб-авайлаш, ривожлантириш ҳамда уларни мамлакатимизда ва хорижда кенг тарғиб қилишга кўмаклашиш, Бухоронинг туризм йўналишидаги иқтиқболларини намойиш этиш мақсадида 2018 йил 27-29 май кунлари 17-анъанавий "Ипак ва зираворлар" фестивали, мазкур фестиваль доирасида ўтказиладиган тадбирлар, жумладан: Мўъжизалар карвони, Палов сайли, Модалар намойиши, камерли симфоник оркестр чиқишларида, шунингдек, халқаро илмий-амалий конференцияларни ўтказишда жиддий тайёргарлик кўриш ишлари амалга оширилди.

Тожикистон Республикаси бош вазири К. Расулзоданинг Фарғона вилоятига ташрифи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан ўтказилган расмий қабул маросимида жамоа раҳбари Р.Авезов ҳамда жамоанинг ходимлари Жўрабек Ҳўшаев, Ҳамид Ашуров, Шаҳноза Исмоиловалар 2018 йил 24 февраль куни мазкур тадбирда концерт дастурини юқори бадиий савияда ташкил этишда иштирок этдилар. Жорий йилнинг 18-21 март кунлари Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказилган Наврўзга бағишланган тантанали байрам тадбирида "Бухоро мавжлари" ашула ва рақс ансамбли ижодий ходимлари ўзларининг махсус дастурлари билан Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрига хизмат сафарида бўлиб қайтишди[5. 33].

"Бухоротурист" МЧЖ ҳамда Бухоро шаҳридаги меҳмонхоналар Ассоциацияси билан ҳамкорликда Бухорога туризм йўли билан ташриф буюрган сайёҳлар ва хорижий делегацияларга махсус дастур асосида қатор концертлар намойиш этилди. Жумладан, Малайзия, Италия, Россия, МДҲ давлатлари, Корея, Европа мамлакатлари, Франция каби мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳлар ва меҳмонларга махсус дастурлар асосида маданий хизмат кўрсатилди. Мазкур дастурларда фарғонача, хоразмча ва хусусан, "Мавриги", Бухоронинг ўзига хос "Бухорча" туркум маросим қўшиқларига кенг ўрин берилиб, хорижий делегация ва меҳмонларнинг Бухоро санъати



ва маданияти ҳақидаги таассуротларини янада бойитишга ёрдам берадиган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Куй ва қўшиқлар, мусиқа асбоблари ҳақидаги дастур давомида ўзига хос тарзда маълумотлар бериб борилиши концерт савиясини кўтаришга кўмаклашди. Бу эса хорижликларнинг Ватанимизга бўлган эътибор ва қизиқишларининг ошишига, шунингдек, тадбир иштирокчиларига айланишига бевосита ёрдам берди [6. 21].

Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлинмасида штатлар жадвали асосида жами 106,25 штат бирлиги мавжуд. Бундан маъмурият ходимлари 11 киши, техник ва хизматчи ходимлар 14 киши, ашула ва рақс ансамблларида 63 киши, "Мавриги" ансамблида 8 киши, скрипкачилар гуруҳида 5 киши ишлаб келмоқда. Улардан 76 нафари ижодий ходим ҳисобланади. Шундан 30 нафари олий, 63 нафари ўрта махсус, 8 нафари ўрта маълумотли ходимлардан иборат.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

- [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги ПФ-1419-сонли фармони.
- [2]. Бухоро вилоят давлат архиви. 1459-фонд, 1-рўйхат, 6-йиғма жилд.
- [3]. Бухоро вилояти маданият бошқармаси жорий архиви 2010 йил ҳисоботи.
- [4]. Бухоро вилояти маданият бошқармаси жорий архиви 10 дела.
- [5]. Бухоро вилояти маданият бошқармаси жорий архиви 2018 йил ҳисоботи.
- [6]. Бухоро вилояти маданият бошқармаси жорий архиви 3 дела.

Аннотатсия: Ўзбекистон Республикасининг ташқи маданий алоқаларида Бухоро вилояти Маданият бошқармаси томонидан мустақилликнинг дастлабги йилариданоқ кўплаб мусиқий ва бухорча рақслар билан хориж давлатларида ўз чиқишлари билан иштирок этиб келмоқдалар. Масалан, "Бухорча" ашула ва рақс ансамбли, "Бухоро гузаллари", Камерали симфоник оркестр гуруҳи, "Мавриги" фолклор этнографик ансамбли, "Бухоро мавжлари" ашула ва рақс ансамбли шулар жумласидандир.

Abstract: Since the first years of independence, the Department of Culture of the Bukhara region has been participating in the foreign economic relations of the Republic of Uzbekistan with many musical and dance performances of Bukharians in foreign countries. Among them are "Bukhara" song and dance ensemble, "Bukhara beauties" chamber-symphonic orchestra, "Mavrigi" folklore-ethnographic ensemble, "Bukhara waves" song and dance ensemble.